



ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҚОРА РАНГНИНГ ЛИРИК ТАЛҚИНИ

Абдурахмонов Абилжон Абдусаматович

Фарғона давлат университети докторанти, филология фанлари

бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7180340>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 05th October 2022

Online: 10th October 2022

KEY WORDS

ранг, қора, рамзий, тушунча,
тасвир, давр, руҳий ҳолат,
лирик қаҳрамон, муносабат.

ABSTRACT

Ушбу мақола рангнинг замонавий ўзбек шеъриятида қора рангнинг қўлланиш хусусиятлари тадқиқ этилади. XX аср охирлари ўзбек шеъриятида қора ранг шаклан табиий хусусиятига кўра, моҳиятан анъанавий рамзий ифодасига кўра асосан салбий муносабатларни тасвирлашда қўлланиши кузатилади. Буни ижтимоий муҳитдаги лирик қаҳрамоннинг чуқур драматик ҳолати билан боғлиқ бадиий ҳодиса эканлиги исботланади.

Қора ранг ҳам оқ ранг сингари XX аср бошлари, хусусан 20-йиллари шеъриятида фаол қўлланилиши кузатилади. Асосан оқ рангга нисбатан қарама-қарши, контраст тушунчаларни ифодалагани учун оқ ранг сингари маълум рамзий тушунчалар доирасига мансуб ҳолдаги хусусиятлари намоён бўлди. Эътиборли томони, оқ ранг билан доимо ёндош қўлланилган қора ранг “қалин сурғалади”. Табиат ҳодисалари гарчи реал тасвирланган бўлса-да, қора рангнинг табиий хусусиятидан кўра рамзий ифода хусусиятининг бирламчилиги бўрттириб берилади.

Масалан: *Кўк юзини қоп-қора машъум булутлардир, ўрар,*

Ул булутлардир

ёруғликнинг юзин қоплаб турар... [1.–7]

(Чўлпон. “Табиатга”)

Шеърда табиат ҳодисасининг реал тасвири келтирилган. Бир қарашда табиий хусусиятига кўра қўллангандек

кўринган қора рангнинг рамзий ифодаси ассоциациямизда тез орада аксланиб, салбий муносабатларни қўзғотиб юборади. Натижада қора ранг ифодавийлиги асар сиртидан тубига чўкиб, ўзи атрофидаги мажозийликни ошкор бўлишига хизмат қилади.

Кўринадики, табиат ҳодисасининг тасвири сифатида шоир Туркистон ўлкасини қора рангдаги булут, яъни шўроларнинг қатағон булути – босқинчилик булути қоплаётгани ва она заминни ўз қаҳри билан савалашга шай келаётганига ишора қилади, ўз алам, надоматларини ифодалайди. Ранг шоирнинг ғоявий-эстетик қарашларини ифодалаб келади.

Яна: *Қоп- қора дев каби булут йиғини*

Қоплаб олди яна қуёш юзини.

Ётқизиб ёз ботир енгил туғини

Уйқудан очмади сира қўзини. [1.–53]

(Чўлпон. “Яна қор”)



Ёки: Кўк юзида қатор –қатор
чизилган

Кўмир каби булутлари– ёт эллар,
Ул элларнинг қуллигида эзилган
Шарқ эллари...бузуқ, қуруқ, кўп ерлар..
[1.–132]

(Чўлпон. (“Қизил байналминал”))

Келтирилган шеърий парчаларда қора
рангнинг сифат даражалари (қоп-қора,
кўмир) булутга нисбатан қўлланган. Кўк
юзини ўраган қоп-қора машъум
булутлар – табиатдаги маълум
ўзгаришлардан дарак бериб келса-да,
иккинчи мисолда бу табиат тасвири
пейзаж тасвирининг асл моҳияти
очириб, ошкор қилинади: Кўк юзида
чизилган қатор-қатор булутлар – ёт
эллар. Булут аслида маълум даражада
қоралик белгисини ифодаласа-да, шоир
унга орттирма даража (қоп-қора, кўмир)
юклайди ва шу билан рангдаги
рамзийликни янада кучлироқ намоён
бўлишига эришади.

Яна: Туннинг **қаро** ипаги
Орасидан порланди
Ингичка, қилтириқ ой. [2.–162]

(Ойбек. “Янги ой чиққанда”)

Ёки: Оқшом **қора** кўланкаси,
Чексиз буюк қанотин
Билинтирмасдан ёзар. [2.–87]

(Ойбек. “Тарқоқ тутунлар”)

Лирик қаҳрамон руҳиятида ўша туннинг
қора ипаги орасидаги “қилтириқ”, яъни
азобланган, ожиз ойга бутун умидини
боғлаган. Ижодий фикр кейинги шеърий
парчада яққоллашган. Маълум
бўладики, қора ранг давр шеъриясида
асосан анъанавий-умуминсоний рамзий
ифодасига кўра салбий хусусиятларни
ўзида касб этгани ҳолда ижтимоий
муҳитдаги лирик қаҳрамоннинг чуқур
руҳий драматик ҳолати манзарасини
ифодалашда қўлланган.

XX аср охирларига келиб эса қора ранг
ўзбек лирикасида турлича рамзий
тушунчалар доирасида қўлланиб,
ижтимоий, интим муаммолар орасидаги
лирик қаҳрамон руҳиятини тасвирлаши
кузатилади.

Ечинади милашлар яна,
Тор йўлаклар яна сарғарар.
Қовжираган куз тепасида
Айланади **қора** қарғалар. [3.–10]

(Ш.Раҳмон. “Шимол куни”)

Яна: Кечиргин... Тун **қорамас**, мен
қораман,
Юлдузлардан токи кўнглинг
ароман.

Жоним, кўнглинг мисли шамдек
титранур,
Шамга бағрим босолмай
бенавоман. [4.–86]

(У.Азим. “Графика”)

Қора рангга ижобий муносабат ўзбек
миллий менталитетга хос жиҳатлардан
саналади. Қора ранг кўз, қош кабиларни
сифатлаш хушбичим инсон портретини
характерлаши билан халқимиз тилида
турғун бирикмага айланиб кетган
ҳодисадир. Ушбу жиҳатни инсонга азиз
бўлган Ватанга нисбатан муносабатда
қўллаш ҳолати ҳам учрайди:

Бот-бот хаёлимдан чекинди
мубҳам,

Фикримдан юлқинди Ватан
қораси. [5.–22]

(Р. Парфи. “Она Туркистон”)

Кўринадики, қора ранг ўзбек
шеъриясида фаол ва ўзига хос
қўлланганлиги билан эътиборлидир.
Агар қора рангни анъанавий-
умуминсоний тушунчаларга кўра фақат
салбий рамзларни ифодалашда
қўлланган дейиш билан чегаралансак,
нотўғри бўлади. Чунки қадимдан туркий
халқларда қора рангга ижобий
муносабатда қаралган бўлиб, бу ранг



улуғлик, буюклик рамзини ифодалаган (масалан: Қора Тегин, Қорахон.). Бу ўринда Ватан образига бириккан қора ранг миллий менталитетга хос тушунчага оид “борлик”, “улуғлик” ни ифодалаб келган.

Шундай қилиб, XX аср охирлари ўзбек шеърлятида қора ранг шаклан табиий

хусусиятига кўра, моҳиятан анъанавий рамзий ифодасига кўра асосан салбий муносабатларни тасвирлашда қўлланиши кузатилади. Буни ижтимоий муҳитдаги лирик қаҳрамоннинг чуқур драматик ҳолати билан боғлиқ бадий ҳодиса, деб изоҳлаш мумкин.

References:

1. Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. I жилд. Шеърлар. Драмалар. Таржима. –Т.: А.С.,1994.
2. Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. Биринчи том. Шеърлар. – Т.: А.С.,1968.
3. Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1996.
4. Усмон Азим. Сайланма. –Т.: Шарқ, 1995.
5. Рауф Парфи. Тавба. Шеърлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. - 590-603.